

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Р.Ю.ХУДОЙБЕРГАНОВ

**ЎЗБЕК ТИЛИ АНТРОПОНИМЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

ТОШКЕНТ-2018

Мазкур ўқув қўлланма ўзбек антропонимларининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган бўлиб, у филология факультети талабалари, магистрлари ҳамда фуқаролик ҳолатларини ёзма қайд этувчи барча расмий идоралар учун мўлжалланган.

Ушбу ўқув қўлланма Урганч давлат университети услубий кенгашида муҳокама қилиниб, 2018 йилнинг 25 июнидаги 10-сонли баённома билан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир ф.ф.н., доц.А.И.Примов

Такризчилар: ф.ф.н., доц.С.С.Рўзимбоев

Ф.ф.н., доц.И.Хажиева

Ф.ф.н. Ў.Х.Ражабов

Тошкент-2018

Сўз боши

Маълумки, антропонимлар атоқли отларнинг бошқа турларига нисбатан энг фаол қўлланадиган ономастик бирликлардир. Булар жамият аъзоларининг барчаси нутқида ишлатилади. Инсонлар зурриёдларига исм танлайдилар ва бу жараён исмлар пайдо бўлишига ном қўювчиларнинг савияси, дунёқараши, турмуш тарзи, маънавий-руҳий дунёси каби омиллар таъсир қилади. Бу омиллар эса ўз навбатида антропонимлар тизимида жуда кўп фонетик, орфоэпик, орфографик ўзгаришлар, лексик-семантик эврилишларни келтириб чиқаради ва тил вакиллари орасида уларнинг таллаффузи, ёзилиши ва имлоси бўйича баҳс-мунозараларни кўпайтиради, иккиланишларни оширади ҳамда чалкашликларни келтириб чиқаради.

Антропонимика назарияси ва амалиёти билан шуғулланган буюк олим, устозимиз Эрнст Бегматовнинг бир қанча монография, луғат ва ўқув қўлланмалари ўзбек антропонимияси тизими тадқиқига бағишланган, унинг шогирдлари ва бошқа издошлари томонидан эса ушбу соҳа бўйича талай тадқиқотлар амалга оширилганига қарамай, юзага келган билимлар ва уларнинг хулосаларини оммалаштириш, таълим жараёнига татбиқ қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир.

Равшан Юсупович Худойбергановнинг “Ўзбек тили антропонимларини ўқитишнинг назарий ва амалий асослари” номли ушбу қўлланмаси юқорида тилга олинган масала бўйича юзага келган муҳим иш ҳисобланади. Ушбу қўлланма ўзбек антропонимларини ўқитишнинг назарий асослари ва ундан келиб чиқадиган амалий жиҳатлар каби энг долзарб масалалар мажмуидан баҳс этади. Соҳа бўйича фан номзоди диссертациясини ҳимоя қилиб, кўп йиллик илмий-тадқиқот тажрибасига эга бўлган муаллиф антропонимиканинг назарий жиҳатлари ва уларни таълим жараёнида қўллаш муаммолари, хусусан, антропонимлар имлоси масаласига ўта синчковлик билан ёндашган. Муаллиф ушбу масалаларни ёритиш учун кўплаб далилий материалларни тўплаган ва уларни муайян тизимга солиб умумлаштирган ҳамда китобча шаклига келтирган.

Китобчада таълим жараёнига таъсис этилган мавжуд она тили дарсликлари, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмаларидаги айрим мулоҳазали ўринларга ҳам муносабат билдирилган. Антропонимларнинг имлоси ва талаффузида унли ва ундошлар билан боғлиқ лисоний хусусиятлар, фонетик қонуниятлар: товуш тушиши, орттирилиши, мослашиши ва алмашилиши каби ҳодисаларни қизиқарли мисоллар асосида ёритиб берилади. Муаллифимиз Хоразмнинг ўғуз лаҳжаси вакили бўлгани учун ушбу ишда ушбу воҳа антропонимлари имлоси билан боғлиқ мисолларга кўпроқ ўрин берилгани табиий ҳол.

Равшан Худойберганов синчков, заҳматкаш ва синчков олим. У ўтган даврлар мобайнида исмларнинг имлоси, улардаги турли хил нуқсонлар айрим шахсларнинг саводсизлиги, бефарқлиги, лоқайдлиги кабилар оқибатида юзага келгани ва келаётганини кучли ачиниш билан таъкидлайди ва таълим жараёнида антропонимлар имлосини ўргатиш орқали бу камчиликларни тўғрилаш мумкинлигини жонкуярлик билан кўрсатиб

беради. Ўзбек тили антропонимларини ўқитиш-ўргатиш сирларини тадқиқ қилаётган муаллифимизнинг рус тилини чуқур билиши нуқсонларнинг пайдо бўлиши ва уларни бартаф қилиш йўллари аниқлашда ҳам анча асқотган десак, муболаға бўлмайди. Муаллифнинг Шўролар ҳукмронлиги даврида рус тилининг таъсирида айрим исмларнинг бузиб, нотўғри ёзилиши натижасида турли хилдаги имловий ва шаклий вариантлар юзага келганлиги ҳақидаги фикрларни билдиришида рус тилининг қонуниятларини яхши билгани, қолаверса, ўша тузум давридаги тил сиёсатини чуқур англаганлиги натижасидир.

Умуман, Хоразм вилояти ҳокимлиги қошидаги топонимик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича тузилган махсус комиссия аъзоси бўлган, вилоятдаги оммавий ахборот воситаларида жой номлари ва киши исмлари имлоси бўйича доимий чиқишлар қилиб келаётган, талабаларга тилшунослик, хусусан, антропонимика сирларини сидқидилдан ўргатаётган жонкуяр, тўғрисиўз устозни тилимиз софлиги ва нафосатига путур етказадиган ҳар бир ножўя ҳаракат, ҳолат ташвишлантирмаслиги мумкин эмаслигини ушбу китобчани ўқиган китобхон тўла ишонч ҳосил қилади, деб ўйлаймиз.

МАВЖУД ИМЛО ҚОИДАЛАРИ ВА ИЛМІЙ ИШЛАРДА АНТРОПОНИМЛАР ИМЛОСИГА МУНОСАБАТ

Ўзбек адабий тили доирасида учрайдиган, адабий тил матнлари бўлган ёзма нутқда мавжуд ҳар қандай сўз муайян имловий қоидаларга бўйсунган ҳолда ёзишни талаб қилади. Бу масалада ўғай орфограммалар бўлиши мумкин эмас. Шунга қарамасдан, ўзбек адабий тилининг мавжуд имло қоидаларида, асосан, турдош сўзлар, бош ҳарфларнинг ёзилиши қоидалаштирилиб келинди, атоқли отларнинг имлоси масалалари доимо четлаб ўтилди. Бу ҳол атоқли отлар, жумладан, антропонимларнинг ёзилишида хилма-хилликни, имловий вариантлар, тўғри ва нотўғри имловий шакллари туғдираётган асосий сабабдир.

«Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари»нинг бирорта моддаси ҳам исмларнинг имлосига бағишланмаган ва жорий қоидаларда исмлардан деярли мисол ҳам олинмаган. Қоиданинг й ҳарфининг ёзилишига дахлдор 2-параграфда **Мирюсуф, Матёқуб, Мирҳаё** исмларида **ъ** белгисининг ёзилмаслиги, фамилия қўшимчасининг имлосига оид 49-параграфда **Турғунбоев, Турғунбоева** фамилиялари, ажратиб ёзиладиган сўзларга доир 58-параграфда лақаб ва мансаблар билан келган баъзи исмлар (**Исмоил қассоб, Абдурахим найчи, Азим кулол** ва бошқ.), атоқли отларнинг бош ҳарф билан бошланишига оид қоидаларнинг 63-параграфида **Алишер Навоий, Ҳамид Олимжон** номлари тилга олинган, холос. Натижада антропонимларнинг имлоси билан боғлиқ бир қатор мураккаб масалалар имло қоидалари доирасидан ташқарида қолган. Чунончи: **Қувондиқ, Соғиндиқ**, аммо **Севиндиқ, Тўхтамиш** типли исмлардаги қўшимчалар, **Турсун, Унсун, Юрсин, Жовқач** ва **Ёвқач, Қорёғди** ва **Қоржовул** каби номлар, **Абдулла, Саъдулла** ва **Абдулло, Саъдулло** каби шакллар ва мана шунга ўхшаш бошқа хусусиятлар имлода вариантдорлик, имловий нуқсонларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Ҳатто бош ҳарфлар имлосида бирорта ўзбекча исмнинг, жой номининг келтирилмаганлиги ҳайратланарлидир. Бунинг ўрнига **Горький, Москва, Волга, Казбек** каби номиллий номлар далил сифатида берилади.

Таниқли ўзбек тилшунослари Ш.Раҳматуллаев ва А.Ҳожиевлар қўшма сўзларнинг имлоси ҳақида фикр юритар эканлар, баъзи атоқли отлардан ҳам мисол келтиришади. Чунончи, **Ёрилтош, Уртўқмоқ, Очилдастурхон** (эртак номлари)¹ **Кўчабоғи** (топоним), қўшма сўзларнинг имло қоидаларида эса **Мирзачўл, Янгийўл, Каттакўрғон, Сирдарё, Қорабулоқ, Олтинқўл, Тўртқўл, Хўжақишлоқ** топонимлари қисмларининг қўшиб ёзилиши, **Ўрта Осиё, Кичик Осиё, Эски Тошкент, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ** номларида қисмларнинг ажратилиб ёзилиши қоидалаштрилган², аммо муаллифлар антропонимиядан бирорта мисол ҳам келтирмайдилар. Ҳолбуки, ўзбек тилидаги қўшма исмлар бир неча минглаган сўзни ташкил қилади.

¹ Раҳматуллаев Ш., Ҳожиев А. Қўшма сўзларнинг имло қоидалари ва луғати. – Тошкент: Олий ва ўрта мактаб, 1961, - Б. 16.

² Ҳожиев А. Қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. -Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1963. –Б. 30.

Антропониларнинг имлосига бу муносабатнинг сабаби исм компонентларининг доимо қўшиб ёзиш қабул қилинганлиги бўлса керак.

А.Ҳожиёвнинг «Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар» номли ишидаги маълумотларга қараганда, ушбу муаллиф антропонимларни умуман сўз, қўшма сўз деб ҳисобламайди, деган хулосага келиш мумкин. Китобнинг барса саҳифаларида, бирор жойда исмларнинг фактлари мисол сифатида олинмайди. Ҳаттоки, «Қўшма от» сарлавҳали тагидаги мулоҳазаларда ҳам қўшма исмлар четлаб ўтилади, улардан бирорта ҳам мисол келтирилмайди³.

Китобга илова тарзида берилган «Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар имлоси» қисмида ҳам қўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар ҳақида гап кетганда, баъзи гидроним ва топонимлар келтирилади, масалан: (Янгийўл, Сирдарё, Олтинқўл ва бошқ.)⁴, аммо исм материалларига мурожаат қилинмайди.

Ўзбекча исм ва фамилиялар имлоси, бу борадаги нуқсон ва чалкашликлар, ана шу туфайли антропонимлар имлосида юз бераётган имловий вариантлар юзасидан кенг фикр юритилган ишлардан бири жамоавий муаллифлар томонидан ёзилган «Исм ва фамилиялар имлосига доир» номли мақоладир. Биз ушбу мақолада исмлар имлоси ҳақида билдирилган фикрларга эмас, балки унда ўз ифодасини топган имловий вариантларни қайд этиш билан чегараланамиз. Булар қуйидаги типларга бўлинади:

1. Абду//абди, абу//аби;
2. Нисо//ниса, Сара//сора кўринишлари.
3. Моҳ//мах, Моҳинур//Моҳибону;
4. Исо//Иса, Мирза//Мирзо, Муса//Мусо, Риза (Ризаев)//Ризо (Ризоқул), Зулайҳо//Зулайҳо, Зухро//Зухра;
5. Аҳмад//Аҳмедов, Муҳаммад//Муҳаммедов, Нурмат//Нурметов, Холмат//Холметов, Исмат//Исметов, Мамат//Маметов//Мамедов, Тошмат//Тошметов, Бегмат//Бегметов;
6. Орзиқул//Орзигул, Марғиба//Марғуба;
7. Зоҳир//Зоир, Иброҳим//Ибрагим//Ибройим, Раҳимжон//Райимжон, Тоҳир//Тоир;
8. Зариф//Зарипов, Латиф//Латипов, Маъруф//Маърупов, Шариф//Шарипов, Ориф//Орипоф, Юсуф//Юсупов;
9. Нуъмон//Нўъмон//Нурмон//Низмон;
10. -иддин//-итдин//-уддин: Асомиттин//Асомуддин//Асомиддин;
11. -улла//-улло//-илла: Абдулла//Абдилла, Иноятулла//Иноятилла, Файзулла//Файзилла, Ғайбулла//Ғайбилла ва бошқалар⁵.

Мақолада келтирилган имловий вариантлардан биттасини имло учун норма қилиб олиш тўғрисида тавсиялар. Чунончи: -улло, -илла эмас, -улла ёзиш; -итдин, -утдин эмас, -иддин ёзиш ва бошқалар.

³ Ҳожиёв А. Қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. -Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1963. -Б. 30.

⁴ Ўша иш, ўша ерда.

⁵ Камолов Ф., Жуманиязов Р., Мирзаев Т., Бегматов Э. Исм ва фамилиялар имлосига доир//Ўқитувчилар газетаси, 1962. 20 сентябрь.

Шунингдек, кўшма сўзларнинг имлоси ҳақида фикр кенг юритган муаллифлардан бири Б.Мамадалиевдир. У кўшма сўзларнинг лисоний хусусиятларини таҳлил қилишдан ташқари, уларнинг имло қоидаларини ҳам яратишга ҳаракат қилган. Ушбу муносабат билан кўшма сўзлар қаторида баъзи топоним ва антропониларнинг имлосини ҳам қоидалаштирган. Чунончи, у кўшиб ёзиладиган сўзлар қаторида **Шоназар, Холмирза, Элмурод, Гулчехра, Холмуҳаммад** исмларини ҳам келтирган⁶. Худди шунингдек, у кўшиб ва ажратиб ёзиладиган жой номларини алоҳида қоидалаштирган.

Иш охирида «Кўшма сўзлар луғати» берилган бўлиб, унинг таркибида бир қатор исмлар ҳам келтирилган: **Гулнор, Гулнора, Гулчехра, Исобобо, Назирқул, Норбобо, Ойгул, Нурсевар, Ойхон, Онахон, Офтобхон, Тошназар, Турсунали, Турсунхон, Холмирза, Шахринисо, Шерали, Шомурод, Шоқосим, Элмуро, Элназар** ва бошқалар. Келтирилган исмларнинг имло луғатига қайси тамойил асосида киритилгани, ёзилиши нуқсонли бўлган кўпгина исмларнинг луғатдан нега жой олмагани муаллиф томонидан изоҳланмаган.

Б.Мамадалиевнинг кўшма ва таркибли сўзларнинг тузилиши ҳамда имлосига доир ёзган мақолаларида кўшма исмлар ва исмларнинг қисқарган шакллариининг ёзилишига оид мулоҳазалар учрайди⁷.

Бундан ташқари, ўзбек тилидаги кўшма сўзларнинг лисоний хусусиятларини монографик планда тадқиқ қилиш муносабати билан айрим кўшма сўзлар имлоси ҳақида фикр юритган тадқиқотчилардан бири Насим Маматовдир. Ушбу муаллифнинг баъзи мақолаларида кўшма сўзлар қаторида антропонимик материалга ҳам мурожаат қилинган ҳоллар учрайди⁸.

Умуман олганда, Н.Маматовнинг кўшма сўзлар, улар имлосига оид мулоҳазалари А.Ҳожиёв нуқтаи назаридан фарқланади ҳамда Б.Мамадалиев қарашларига яқин туради. Бу ҳол унинг атоқли отлар ва улар имлосига муносабатида ҳам кўринади.

Н.Маматов атоқли от материалларини ҳам сўз деб билади ҳамда уларни лозим ўринларда оддий кўшма сўзлар билан биргаликда таҳлил қилади. У ўзининг таҳлилларида топонимия материалларидан керакли ўринларда кенг фойдаланган⁹. Ушбу муаллифнинг антропонимик материалга муносабати ҳам ижобийдир. Бу унинг ишда учрайдиган фикрларида ҳамда далил сифатида келтирилган антропонимик материалларда ёрқин кўринади:

-аффиксоидлар ҳақида гап борар экан, *Дадажон, Ҳалимахон, Турсуной, Турсунбой, Тамарахоним, Рашидбек* исмларининг иккинчи компонентини аффиксоид деб ҳисоблайди;

⁶ Мамадалиев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўшма сўзлар. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 108.

⁷ Мамадалиев Б. Ўзбек тилида таркибли сўзлар//Ўзбек тили ва адабиёти. 1966, 4-сон, - Б. 45,46.

⁸ Маматов Н. Кўшма сўзлар билан содда сўзларнинг ўзаро муносабати масаласига доир//Ўзбек тили ва адабиёти. 1982, 2-сон, -Б. 12.; Ўша муаллиф. Образование собственно-сложных слов в узбекском языке. СС. – Ташкент, №2. – С. 73.

⁹ Маматов Н. Кўшма сўзлар билан содда сўзларнинг ўзаро муносабати масаласига доир//Ўзбек тили ва адабиёти. 1982, 2-сон, -Б. 23.

- айрим қўшма сўзлар қисқарган ҳолда қўлланилиши мумкин дейилган фикрни тасдиқлаш учун *Муҳаммаджон-Мамажон, Холмуҳаммад-Холмат* исмларини келтиради;

-баъзи сўзлар «отлашган монолит бирлик»га айлангани таъкидланар экан, *бахтиёр-Бахтиёр* (исм) ҳам кетирилади;

- сўз ҳам, сўз бирикмаси ҳам «бўлинмайдиган аналитик конструкциялар»га далил сифатида *Ғафур Ғулом, Асқад Мухтор, Алишер Навоий, Ҳожи Камолиддин* типли номлар берилади;

- аналитик қўшма сўзлар тўғрисида гап борар экан, бунга антропонимик материал ҳам кенг жалб қилинади: *Бекмирза, Бекмуҳаммад, Бектош, Боймирза, Гуласал, Гулжамол; Каримжон, Салимахон, Суярбой, Турсунбой, Ҳакимхўжа, Турсуной, Тожиношиша* ва бошқалар.

- Н.Маматов лақаблар исмга қўшиб ёзилади деб ҳисоблайди ҳамда *Анорхола, Боқибакқол, Боқибегим, Тожитажсанг*, қўшма сўзлар имлосига махсус тўхтанилган ўринларда, улардан ташқари, *Қобулбобо, Саксонота, Ғофурака, Алиқушчи, Каримсувчи, Умарўчоқчи, Булдуруққассоб, Қамбаротин, Тўйчиҳофиз, Пўлканишоир, Боқибегам, Парпитисмиқ, Солисовуқ, Ҳамдамформа* номларини келтиради¹⁰.

Бизнинг кузатишларимиз ҳамда тавсияларимиз келтирилган тип номларда лақаб исмдан ажратилган ҳолда ёзилишини тасдиқлайди.

Шунингдек, Н.Маматов қўшиб ёзиладиган атоқли отлар ҳақида фикр юритар экан, биринчи моддада исм ҳамда фамилияларни келтиради: *Мирзакарим, Гуласал, Эшонхўжаев*¹¹ ва бошқалар. Бу ўринда фамилиялар олинмаси ҳам бўлар эди, чунки исм компонентларининг қўшилиши ном, фамилия бўлгани учун эмас, фамилия қўшма исмдан ҳосил бўлгани учундир.

Ушбу модданинг «эслатма» қисмида ажратиб ёзиладиган антропонимларга мисол тарзида *Мирзо Улуғбек, Султон Санжар, Эшон Хувайдо, Тўйчи Тошмуҳаметов, Хўжа Аҳрор, Саид Камолиддин, домла Қаҳҳаровлар* олинган¹². Келтирилган кейинги антропонимлар бирикма антропонимлар бўлиб, сўз ва қўшма сўз моделига мос тушмайди. Чунки улар нутқ жараёнида юзага келган бирикмалар ҳисобланиб, шахсни ана шу тарзда аташ анъана бўлиб қолган ҳолатлардир.

Ўзбек исмлари имлоси бўйича олиб борилган ишларни кузатар эканмиз, қатор муаллифлар, яъни Ш.Абдурахмонов, А.Ҳожиев, Э.Бегматов ва К.Назаровлар томонидан тузилган «Ўзбек орфографияси ва пунктуациясининг асосий қоидалари» лойиҳасида ўзбек тили имлосида ҳукмрон бўлиб келган қараш, яъни *атоқли отлар имлосини четлаб ўтишига амал* қилинган. Шу туфайли лойиҳа матнида ўзбек антропонимлари материалларидан бирорта далил олинмаган¹³ (Бундан бош ҳарфларга оид

¹⁰ Маматов Н. Қўшма сўзлар билан содда сўзларнинг ўзаро муносабати масаласига доир//Ўзбек тили ва адабиёти. 1982, 2-сон, -Б. 23-194.

¹¹ Маматов Н. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. – Тошкент: фан, 1982. –Б. 225.

¹² Ўша иш, -Б. 226.

¹³ Ўзбек орфографияси ва пунктуациясининг асосий қоидалари//Ўқитувчилар газетаси. 1981, 8 август.

кисм мустасно). Мана шу ҳолни ушбу лойиҳани тузатилиб, қайтадан эълон қилинган вариантида ҳам кўриш мумкин¹⁴.

«Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари» тасдиқланиб, (1956 йилдаги имло қоидалари назарда тутилмоқда) амалга жорий қилинганидан бери 60 йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу даврга келиб, 1995 йили «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари» янгидан тасдиқланиб, амалиётга жорий қилинди. Ўша тасдиқланган янги имло қоидалари юзасидан биз ишимизнинг сўнгги саҳифаларида фикр юритамиз. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, ўзбек тилшунослигида атоқли отларни махсус тадқиқ қилувчи янги соҳа – ўзбек ономастикаси пайдо бўлди ҳамда у мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланди. Ушбу даврлар мабойнида ва бугунги кунгача ўзбек тилидаги топонимлар, киши исмлари, яъни антропонимлар ҳамда ўзбек ономастикасининг бошқа таркибий қисмларидаги атоқли отларнинг бой материаллари тўпланилди ва атрофлича тадқиқ қилинди. Ўз навбатида, ўзбек тилидаги атоқли отлар материаллари номларининг ёзилиши ва талаффузида жуда кўп нуқсонлар мавжудлиги, имловий вариантларни сероблиги намоён бўлди. Булар ҳақида махсус илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди, қатор мақолалар эълон қилинди, номзодлик ҳамда докторлик диссертациялар ҳимоялари амалга оширилди. Шунга қарамасдан, атоқли отлар имлоси муаммоларига имловий қоидаларда эътиборсизлик билан қараш ўзини оқламаса керак. Шунинг учун ҳам ономастик тадқиқотлар натижасидан самарали фойдаланиш, имло қоидаларини тўлдириш ҳамда мукаммаллаштиришда ономастик тадқиқотлар муҳим ўрин тутиши мумкинлигини ёрқин кўрсатиши намоён бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, антропонимлар имлоси ҳақида фикр юритмаганлари учун тилга олинган муаллифларни айблаб бўлмайди, чунки янги имло қоидалари лойиҳасида антропонимлар, топонимлар ва бошқа тип атоқли отларнинг имлосига оид моддалар (Бундан бош ҳарфларнинг ёзилиш ўринлари мустасно қилинганда) мавжуд эмас.

Шунга қарамасдан, мазкур жараёнларда ёзилган баъзи мақолаларда антропонимлар имлосига оид айрим жузъий фикрлар ҳам учрайди. Чунончи, Б.Юсупов *Рўдакий ва Рудакий, Хўжа Аҳрор ва Хожа Аҳрор, Хисрав ва Хусрав, Атойи ва Отойи* каби номлари ёзилишидаги икки хилликлар¹⁵, Ш.Раҳматуллаев *А.Навоий* эмас, **Алишер Навоий**, *М.Бобур* эмас, **Заҳириддин Муҳаммад Бобур** ёзиш ҳақида¹⁶, С.Алиев *Атойи* эмас, **Атойи**, *Саройи* эмас, **Саройи**, *Фидойи* эмас, **Фидойи** ёзилиши лозимлиги, шунингдек, таҳаллусларга қўшилувчи **-ий, -йи, -вий** қўшимчалари: **Фаробий, Беруний, Навоий, Атойи, Фидойи** юзасидан¹⁷, Н.Маҳкамов ва Б.Умурқуловлар исмларнинг *Ориф, Шариф, Юсуф, Машариф* шакллари фамилиялар таркибида **Орипов, Шарипов, Юсупов, Машарипов** ҳолатига ўтиши, яъни исм таркибидаги ф ҳарфининг п ҳарфига айланиши ва бунга

¹⁴ Ўзбек орфографияси ва пунктуациясининг асосий қоидалари//Ўқитувчилар газетаси. 1988, 30 январь.

¹⁵ Юсупов Б. Ҳаёт тақозаси// Ўзбекистон санъати ва адабиёти. 1984, 13 ноябрь.

¹⁶ Раҳматуллаев Ш. Қайта яратишми ёки тузатиш // Ўзбекистон санъати ва адабиёти. 1982, 5 март.

¹⁷ Алиев С. Қоидалар мукамал ва изчил бўлсин // Ўқитувчилар газетаси. 1982, 14 апрель.

доир имло қоидаси лозимлиги ҳақида¹⁸, Н.Маҳкамов унвон ва мансаблар номи билан келган антропонимлар имлоси: **ошпаз Эргашев, доктор Алиев, шоир Ҳасан Пўлат, профессор Собиров, Сарварбек, Баҳромжон, Қобилбобо, Шарвонхола** тарзда ёзилиши, **Ҳуснижамолхон, Султонмурод, Хўжаакбар, Эшонхўжа, Зебобиби** типли исмларнинг имловий меъёрлари юзасидан ўз мулоҳазаларини баён қилган¹⁹.

Х.Рустамов мақолаларидан бирида шундай ёзади: «Айрим номлар шундай ғайритабиий, шу қадар хилма-хил ёзилганки, ўқиган кишининг энсаси қотади. Бир мактабда **Саодат** исмли тўрт нафар ўқувчи ўқир экан. Уларнинг исмлари туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномада тўрт хил шаклда: **Соадат, Саадат, Садат, Содат** тарзида ёзилгалигини кўрдик»²⁰.

Мақола муаллифи исмлар имлосида яна **Ўринбой // Ўримбой, Маҳкам // Маккамбой, Бўта // Бута, Аваз // Авас** каби шаклий вариантларнинг мавжудлиги кишиларнинг номлар имлосига лоқайд муносабатидан юзага келади деб билади: «Баъзан дурустгина маълумотга эга бўлган ўртоқлар орасида ҳам, *Сайит* ёзса нима-ю, **Саид** нима? **Муҳайё** ёзиш шартми, *Муҳаё* деб ёзиб қўйилса, биров тушунмай қоладими? – дея фикр қилувчилар ҳам учраб туради»²¹.

Киши номлари имлосининг муайян меъёрий қоидалар остига олинмагани туфайли юз бераётган имловий вариантлар ҳақида Э.Бегматовнинг айрим мақолаларида ҳам атрофлича фикр билдирилган. У «Исм, фамилия қандай ёзилади? Номли мақоласида ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилгани ҳамда бу ҳақида махсус қонун қабул қилингани эндиликда ўзбек исм ва фамилияларининг турли ҳужжатлар русча шаклда бузиб ёзишга барҳам бериши мумкинлигини ёзади. Шунингдек, ушбу муаллиф баъзи чет тилига мансуб исмларнинг ўзбекча ёзилишидаги Ҳейне // Гейне, Хомер // Гомер каби вариантларни келтиради»²².

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган даврлар мабойнидаги исмларнинг имлоси, улардаги турли хилдаги нуқсонлар, ёзилишлар, биринчидан, айрим шахсларнинг саводсизлигими, бефарқлигими, лоқайдлигими бўлса, иккинчидан, шўролар ҳукмронлигидаги рус тилининг таъсири деб бемалол айтиш мумкин. Исмларнинг ана шу бузиб, нотўғри ёзилиши натижасида турли хилдаги имловий ва шаклий вариантлар юзага келган.

Бу хусусида раҳматли Э.Бегматов ўзининг қатор ишларида тўхталиб, куйиниб ёзганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Жумладан, у ўзининг «**Холисхон ҳаққми?**» номли мақоласида кўпгина имловий нуқсонлар ва бунга оид имловий вариантлар ўзбек исм ва фамилияларининг фуқароларнинг ҳужжатлари ҳамда бошқа хил ёзма манбаларда бузиб, нотўғри ёзиш туфайли

¹⁸ Маҳкамов Н., Умуркулов Б. Жамоатчиликка ҳавола // Ўқитувчилар газетаси. 1982, 14 апрель.

¹⁹ Маҳкамов Н. Яна қўшма сўзлар имлоси ҳақида // Ўқитувчилар газетаси. 1982, 30 июнь. (Бу каби мақолалар мазмуни ва уларнинг таҳлили марҳум устоз Э.Бегматов (Охирати обод бўлсин)нинг шахсий кутубхонасида сақланган бўлиб, биз у материаллар билан ўз вақтида танишиб, таҳлилга тортганмиз – Р.Х.).

²⁰ Рустамов Х. Соадат, Саадат, Садат, Содат // Фан ва турмуш. 1968, 3-сон. –Б.24-25.

²¹ Ўша иш, ўша бет.

²² Бегматов Э. Исм, фамилия қандай ёзилади // Ўзбекистон санъати ва адабиёти. 1990, 20 апрель.

юзага келганини айтади: «Шунингдек, исмлар таркибидаги айрим ўзбек товушларнинг русча талаффузга мосланганлигини ва шунга кўра бузиб ёзилганини кўрамиз. Чунончи, ўзбекча ў рус тилда о, ю ёки у билан, ё товуши я билан, ўзбек о товуши русчада а ёки я билан у товуши эса у ёки ю билан берилади. Натижада рус тилида исмларнинг ўзбекча исм шаклига мос тушмайдиган хилма-хил шакллари юзага келади. Бунинг устига рус тилининг хусусияти айрим ўзбек исмларда л товушидан кейин ь белгисини ёзишни, номлар таркибидаги ь белгисини тушуриб ёзиш ёки уни бошқа товуш билан алмаштириб айтишни талаб қилади. Ўзбек исмларини Гульбону, Ульмас, Аглам//Аглям (Аълам), Агзам (Аъзам), Нумон, Нигмон, Нугмон (Нўъмон), Маруф, Магруф (Маъруф), Рано (Раъно), Эоз (Эъозхон), Мавлюда (Мавлуда), Гулям (Ѓулом) каби айтиш ёки ёзиш мана шундай сабаблар туфайли юзага келган»²³.

Проф. Ш.Раҳматуллаев «Орфография қоидалари – саводхонлигимиз асоси» номли рисоласи амалдаги имло қоидаларига шарҳ бўлгани унда атоқли отлар материалларидан деярли фойдаланилмаган*. Фақат бир ўринда куйидаги парчани ўқиймиз: «Асли икки сўзнинг изоҳловчи-изоҳланмиш сифатида эркин боғланишли бирикмага тенг бўлади, шунга кўра **ажратилиб ёзилади** (1-пункт). Аммо амалда баъзи изоҳловчиларни хато равишда изоҳланмишга қўшиб ёзиш ҳам учрайди. Карим ака ўрнига Каримака каби, Сарви хола ўрнига Сарвихола каби. Имло қоидаси ана шундай хатонинг олдини олиш учунгина керак. Агар синтактик қоидани пухта ўзлаштирсак, имло қоидасига эҳтиёж йўқолади.

Изоҳловчи-изоҳланмиш муносабатини эслатадиган бошқа бир ҳодиса ҳам бор: болага исм беришда Холбиб, Онабиб, Отабек каби антропонимларни қўйиш учрайди. Бундай киши атоқли отларида «изоҳловчи» шу сўзнинг доимий таркибий қисми бўлади, бу қисмсиз исм йўққа чиқади. Бирор кишига туғилганида Эшонхўжа, Миразиз деб исм берилган экан, бундай отнинг қисмларини қўшиб ёзиш керак бўлади. Имло қоидаларида қисмлари қўшиб ёзиладиган ана шундай қўшма атоқли отлар ҳам изоҳланса дуруст бўлур эди»²⁴.

Биз юқорида ўзбек тилшунослигида, жумладан, ўзбек исмлари имлоси муаммоларига бағишланган ишларда атоқли отлар, унинг таркибий қисми бўлган антропонимлар имлосига оид фикрларни қисқача таҳлил қилдик. Энди бевосита антропонимлардаги бошқа имловий вариантларни таҳлил қилиш ва уларни таълим жараёнига татбиқ этиш масалаларига атрофлича тўхталиб ўтамиз.

²³ Бегматов Э. Холисхон ҳақми? // Тошкент окшоми. 1990, 17 август.

²⁴ Раҳматуллаев Ш. Орфография қоидалари – саводхонлигимиз асоси. – Тошкент: фан, 1980. –Б. 44.

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ФОНЕТИКА БЎЛИМИНИ ЎҚИТИШДА АНТРОПОНИМИК МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Маълумки, «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, айниқса, 1991-йил 31-августда эълон қилинган мутақиллигимиз миллий тилимиз бўлмиш она тилимизнинг мавқеини тиклаш, унинг жамиятимиз ҳаётида давлат тили сифатида амал қилиш учун кенг имкониятлар яратди²⁵.

Ўтган давр мабойнида ўзбек тилининг нуфузи ошди, унинг ижтимоий вазифаси ҳамда амалиёт доираси кенгайди, ҳуллас, она тилимиз мустақил тили сифатида равнақ топди ва топмоқда.

Иш юритишлар давлат тилига кўчди, қонунлар, барча ҳужжатлар ўзбек тилида эълон қилинмоқда, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар она тилимизда олиб борилмоқда. Турли хилдаги изоҳли луғатлар ва ўзбек энциклопедияси тайёрланиб нашр қилинди.

1993-йилнинг 2-августиди «Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган қонун ва 1995-йилнинг 24-августиди «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори мамлакатимиздаги таълим жараёнининг сифатини яхшилашга қаратилди. Буларнинг барчаси қувонарли ҳолат. Чунки унинг замирида Ўзбекистон мамлакатининг эртаси, истиқболи назарда тутилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бевосита таълим жараёни билан чамбарчас, узвий боғлиқдир. Биз бу ўринда она тили таълими билан боғлиқ бўлган айрим масалалар юзасидан фикр юритишни мақсад қилдик.

Таъкидлаш жоизки, таълим жараёнига таъсис этилган мавжуд она тили дарсликлари, ўқув ва ўқув услубий қўлланмаларига назар солсак, айрим мулоҳазали ўринларга дуч келиш мумкин. Бундай ҳолатлар, айниқса, фонетика бўлимини ўқитишда яққол намоён бўлади. Чунки тилшуносликнинг фонетика бўлимини ўрганишда унлилар ва ундошлар билан боғлиқ лисоний хусусиятлар, фонетик қонуниятлар: товуш тушиши, орттирилиши, мослашиши ва алмашиниши каби ҳодисалар мавжуд бўлиб, булар она тили фанининг фонетика бўлимини ўқитишда негадир эътибордан четда қолган.

Қолаверса, 1995-йилнинг 24-августиди «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида атоқли отлар (антропонимлар, яъни киши исмлари) имлоси бўйича бирорта модда ҳам ажратилмаган.

Аслида эса, таълим жараёнининг она тили дарсларида антропонимлар, яъни киши исмлари ўргатилганда уларнинг имлоси, вариантлари хусусида ҳам ўқувчиларга атрофлича батафсил маълумотлар бериш лозим бўлади. Масалан, турли хилдаги расмий ҳужжатларда кишиларнинг исмлари турлича

²⁵ Ҳ.Бектемиров, Э.Бегматов. Мустақиллик даври атамалари. – Тошкент: фан, 2002. – Б. 7.

*Бош ҳарфларнинг ёзилиши қисмида келтирилган баъзи исм ва фамилияларни истисно қилмоқдамиз, чунки бунда сўз имлоси эмас, ҳарфларнинг ёзилиши ҳақида гап боради. – Р.Х.

қайд этилган. Уларда кўзга ташланаётган турли хилдаги имловий хатоликлар, шева элементлари кўплаб учрайди. Биз уларни шахсни тасдиқловчи хужжатда қандай қайд этилган бўлса, шундай бўлиши шарт деб эътироф этамиз.

Шуни аълоҳида таъкидлаш жоизки, антропонимлар, яъни исм, фамилия, отаисм, лақаб ва тахаллуслар имлоси ўзбек тили имло қоидаларининг таркибий қисмидир.

Маълумки, исмлар тилдаги мавжуд сўзларга таянган ҳолда ҳосил қилинади. Масалан, саодат – Саодат, тўхтасин-Тўхтасин, ўлмас-Ўлмас, хушнуд-Хушнуд каби. Шунингдек, қўшма исмларни ташкил этувчи апеллятивлар ҳам тилдаги мавжуд оддий сўзларнинг –чин ва берди – Чинберди, хуш ва келди – Хушкелди, нур ва султон – Нурсултон қўшилуvidан ҳосил бўлади.

Бундан ташқари, баъзи исмларнинг атоқли ва турдош сўзларнинг қўшилуvidан иборат эканини кузатиш мумкин: Муҳаммад ва мурод – Муҳаммадмурод каби.

Шунингдек, ўзбек тилида шундай антропонимлар, яъни исмлар ҳам борки, уларнинг ҳосил бўлиши икки мустақил атоқли отнинг қўшилуvidан юзага келган. Масалан, Юсуф ва Али – Юсуфали, Муҳаммад ва Мусо – Муҳаммадмусо, Муҳаммад ва Юнус – Муҳаммадюнус, Али ва Муҳаммад – Муҳаммадали ва бошқалар.

Келтирилганлар антропонимларнинг қай тарзда ҳосил бўлганини асосласа, шу билан бирга, уларни имлоси масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади:

1. Турдош сўзлардан ҳосил қилинган антропонимлар атоқли отга айланганидан кейин у бош ҳарф билан ёзилади.

2. Ҳар иккала қисми ҳам оддий сўзлардан ташкил топган бўлиб ва улар қўшилуvi натижасида юзага келган антропоним ҳам бош ҳарф билан ёзилади.

3. Ҳар иккала қисми мустақил антропонимлар қўшилуvidан ташкил топган исмлар ҳам бош ҳарф билан ёзилади.

Кўришиб турибдики, ана шу каби ҳолатлар юзасидан ўзбек тилининг мавжуд имло қоидаларида атрофлича маълумотлар берилмаган.

Юқорида келтирилган далилларни кузатиш, дарҳақиқат, антропонимларнинг тўғри ёзилиши ва қайд этилиши ҳамда уларга оид имловий қоидалар, маълум даражада атоқли отлар заминида ётган турдош сўзлар имлосига боғлиқлигини кўрсатади. Демак, исм, фамилия, лақаб, тахаллусларни тўғри ёзиш учун улар асосида ётган сўзнинг ёзилиш шаклини билиш кифоядек туюлади.

Аммо таълим тизимидаги бизнинг кузатишларимиз ҳамда ўзбек антропонимларининг имлосига оид ишлардаги мулоҳазалар ўзбек тилининг антропонимик тизими ўзига хос имловий муаммоларга эғалигини кўрсатади. Мазкур масала юзасидан кузатиш олиб борган Э.Бегматов шундай ёзади: «Исм ва фамилиялар имлосининг ўзига хос муаммолари бор. Хусусан, исмларнинг маҳаллий ва шевалардаги талаффузи ва шаклини олиб кўрайлик.

Ҳар бирининг ўзига хос томонлари мавжудки, исмларнинг имлосини қоидалаштиришда бу ҳолни ҳисобга олмаслик мумкин эмас»²⁶.

Ўзбек исмларининг бой материалларини синчиклаб кузатиш антропоним, турдош от ҳамда антропонимик апеллятивлар имлоси билан антропонимлар имлосида қуйидаги муҳим фарқлар мавжудлигини кўрсатади. Булар қуйидагилар:

1. Исм шакли ва имлоси унга асос бўлган апеллятив шаклидан фарқланади: турсин, унсин (сўз) - Турсун, Унсун (исм); турғин (сўз) – Турғун (исм); қувондик, соғиндик (сўз) – Қувондик, Соғиндик (исм); турган тўлғон (сўз) – Турғон, Тўлғон (исм) ва бошқалар.

2. Айрим исмлар ҳам адабий, ҳам лаҳжавий шаклга эга, шунга кўра улар имлода ҳам фарқланади: масалан, Ёлғош-Жолғош, Яйрасин-Жайрасин, Ёмонбой-Жомонбой, Ўғилбиби-Улбиби, Яйловбой-Жайловбой, Мадрахим-Муҳаммадрахим, Матёқуб-Муҳаммадёқуб, Норим-Нормат-Нормуҳаммад, Рўзим-Рўзмат-Рўзимуҳаммад ва бошқалар. Буларнинг бир хил ёзишнинг имкони йўқ.

3. Баъзи вазиятларда исмларнинг икки хил апеллятивга дахлдор эканини кузатиш мумкин. Уларнинг қайси сўздан ҳосил бўлганини аниқламасдан туриб, имловий шаклини белгилаш қийин бўлади. Масалан, назир (Назир) – нозир (Нозир); амин (Амин) – эмин (Эмин); хотам (Хотам) - хотам (Ҳотам); восит (Восит, Абдувосит) – босит (Босит, Боситулла) ва бошқалар.

4. Айрим исмларга асос бўлган апеллятив моҳиятан тарихий лексикага манусб бўлиб, улардан ҳосил қилинган исмлардаги ҳам сўзларнинг тарихий шакллари билиш, аниқлаш асосида ҳал қилишни талаб қилади. Чунончи: *Марғуба, Ўроз, Рауф, Ғиёс, Таласбой, Соҳиб//Сойиб, Соҳибали, Тарлон, Тархон, Сухайл, Тоҳир//Тоир, Черикбой, Черикбош, Бадия, Ансор, Ансора* ва бошқалар.

5. Баъзи симларнинг апеллятивлари ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам мавжуд эмас, бу антропонимлар ўзга тиллардан атоқли от тарзида ўзлаштирилган. Демак, бу тип исмларга атоқли от тарзида қарашга, улар имлосини тарихий анъаналар асосида ҳал этишга тўғри келади. Масалан, Исомуҳаммад (Исо ва Муҳаммад); Муҳаммадали (Муҳаммад ва Али); Абутолиб (Абу ва Толиб); Алимӯҳаммад (Муҳаммад ва али); Умарали (Умар ва Али) ва бошқалар.

6. Ўзбек тилидаги бир қатор исмлар тўлиқ ҳамда қисқарган шаклларда учрайди. Уларнинг барчасини тўлиқ шаклда ёзиш ғайритабиийлик туғдиради, чунки исмларнинг қисқарган шакли ҳам амалда кенг тарқалган ҳамда вақт ўтиши билан тўлиқ шаклига нисбатан мустақил исмлик хусусиятига эга бўлиб қолган. Шу сабабли исмнинг қисқарган шакли ҳам маҳаллий тил ва халқ орасида алоҳида исм сифатида қабул қилинади ҳамда улардан ҳосил қилинган исм, фамилия ва отаисмлар ҳам тўлиқ шаклдан ҳосил қилинган номлардан фарқланиб туради ҳамда функционал жиҳатдан

²⁶ Бегматов Э. Ўзбек исмлари. – Тошкент, 1991. – Б. 6.

мустақил ном мақомига эга бўлади. Масалан, Муҳаммаджонов – Мамажонов, Абдурахимов – Абдиримов, Муҳаммадшукуров – Мамашукуров, Мухуммадраҳимов – Мадрахимов, Самандаров – Саманов, Абдуқаҳҳаров – Қаҳҳаров ва бошқалар.

7. Одатда, лақаблар ўзи ясалган сўз имлосига доимо мос келавермайди, чунки лақаб аксарият ҳолда шахс исми билан биргаликда қўлланилади. Масалан, *Эшмат довдир, Чори чаққон, Рисолат чевар, Исмоил профессор, Азим кулол, Отажон манқа, Отажон харрот, Рўзмат гаранг, Отахон гунг* ва бошқалар.

8. Имловий ўзига хослик, ўз навбатида, тахаллусларга ҳам тегишлидир. Тахаллуслар орасида ўз апеллятивига шаклан тенг келувчилари ҳам мавжуддир. Масалан: мунис (сўз) - Мунис (тахаллус); нодира (сўз) – Нодира (тахаллус) каби. Бироқ тахаллусларнинг маълум қисми махсус қўшимчалар қўшиш орқали ҳам ҳосил бўлади. Чунончи, шавқ (сўз) – Шавкий (тахаллус); огоҳ (сўз) – Огаҳий (тахаллус); ғайрат (сўз) – Ғайратий (тахаллус) каби. Демак, бундай ҳолларда ўз апеллятиви билан шаклан тенг эмас ҳамда имловий жиҳатдан ҳам фарқланади ва бошқалар.

Антропонимлар, яъни исмларнинг луғавий ўзига хослиги ва ўзига хос имловий муаммоларига эгалигини яна бошқа кўпгина фарқлар билан ҳам тўлдирилиши мумкин.

Юқорида қайд қилинган хусусиятлар антропонимларнинг шаклан ҳамда имловий жиҳатдан уларга асос бўлган турдош сўзлардан фарқини яққол кўрсата олади. Демак, турдош сўз, яъни апеллятивларнинг имлосини ҳал қилиш антропонимларнинг барча имловий муаммоларини бартараф эта олмайди.

Кўриниб турганидек, антропонимлар, исм, фамилия, отаисм, лақаб, тахаллус кабиларнинг ўзига хос имловий хусусиятлари жуда мураккаб бўлиб, уларни таълим жараёнида тўғри қўллай билиш муҳим аҳамият касб этади, шу билан бирга, фан ўқитувчисидан катта масъулият талаб қилади.

Демак, «Ҳозирги ўзбек адабий тили» фанининг «Орфография» бўлимидаги «Бош ҳарфлар имлоси», «Қўшма сўзлар имлоси» мавзулари таълим жараёнида ўқитилаётганида антропонимларнинг тўғри ёзилишига доир қоидалар мисоллар асосида изчиллик билан тушунтирилиши зарур.

УНЛИЛАР ИМЛОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИМЛОВИЙ ВАРИАНТЛАР

Биринчи қарашда атоқли отлар туркуми, жумладан, киши атоқли отлари турдош сўзларга нисбатан нореалроқ, эҳтиёж нуқтаи назаридан, жиҳатидан иккинчи даражали нарсалардек туюлади. Аммо бу нисбий тушунчадир. Атоқли отлар тилнинг ўта фаол коммуникатив воситалари жумласига киради. Масалан, киши номларининг исмлар, фамилиялар, отаисмлар, лақаблар, тахаллусларнинг қўлланиш доирасини олиб кўрайлик:

-ҳар куни миллионлаган оилаларда кишилар бир-бирларига исмларини, фамилияларини айтиб мурожаат қилишади. Ота-оналар болаларининг исмини айтиб эркалайди, алла айтади;

- ҳар куни кўплаган муассаса, ташкилот ва корхоналарда кишилар бир-бирининг исми, фамилияси ва отаисмларини тилга олган ҳолда мулоқотда бўлишади;

- ҳар куни, ҳар соатда, бутун сутка давомида почта, телеграф, телеграм, банк ва кассаларда ҳамда бошқа хил мана шу тип муассасаларда, расмий ва норасмий, шахсий хатларда кишилар номи тилга олинади ҳамда улар махсус ҳужжатларда ёзилади, расмий қоғозларга тушади;

- ҳар куни таълим муассасаларида, ҳужжатларда, радио эшиттиришлар ва телевизион кўрсатувларда ўқиладиган матнларда, оғзаки сўзлашув ҳамда нутқларда, минглаган матбуот саҳифаларида киши номлари қайд этилади, улар тилга олинади ёки ёзилади;

- ҳар куни янги туғилган юзлаган ва ундан ҳам кўп чақалоқларга исм берилади ва бу номлар ФХҚларда қайд этилади;

- киши номлари турли ижтимоий шароитлар, турли тоифа, касб-кор, айниқса, турли шева ва лаҳжаларда гаплашувчи кишилар нутқида кўп бор такрорланади ҳамда шаклан хилма-хил талаффуз қилинади;

- ҳар куни киши номлари кўплаган матнларда, бу матнларни тузаётган шахснинг саводхонлиги, билим савиясига кўра, тўғри, нотўғри (айрим ҳолларда бузук) шаклларда ёзилади;

- исмларнинг талаффуз шаклига шева ва лаҳжалар таъсиридан ташқари, номни айтаётган шахснинг ижтимоий, тоифавий ҳолати ҳам таъсир қилади. Кекса авлод вакиллар орасида киши исмини тўлиқ айтишга интилиш сезилади. Аммо ёшлар орасида ҳамда оила муҳитида исмларнинг эркалаш, қисқартиш шакллари кенг қўлланилади: Масалан, **Дилбар** – *Дилаш, Дили*; **Мухаммад** – *Маммат, Мамат*; **Сафарали** – *Сафар, Саппи, Сапаш*; **Сарвинисо** – *Сарвиш, Сарви*; **Интизор** – *Интуш, Инти* ва бошқалар;

- айрим ҳолларда киши номларининг диахрон ҳамда синхрон шаклининг оппозиция ҳолида айтилиши ва ёзилишига дуч келиш мумкин: масалан, **Зиёвиддин** – *Зиёваддин*, **Жалолиддин** – *Жалоладдин*, **Абдуваҳҳоб** – *Абдулваҳҳоб* каби.

Киши номларининг юқорида қайд қилинган ҳолатларидан ташқари, турли шароитларда ҳам истеъмолда бўлиши мумкин. Демак, киши номларининг лисоний коммуникатив фаоллигини инкор этиб бўлмайди.

Тил воситаларини функционал фаоллиги уларнинг ҳар хил жараёнлар, ижобий ҳамда салбий таъсирлар, турлича ўзгаришлар, шаклий бузилишларга дучор бўлишига сабабчи бўлади. Бу ҳол битта номнинг турли талффуз шакллари тўғдиради ҳамда ўша асосда номнинг ёзма шакли ҳам юзага келади. Мана шундай жараёнга таъсир қилувчи оппозицион омиллар мавжуд. Булар:

1. Номнинг адабий-имловий шакли ва лаҳжавий шакли оппозицияси;
2. Номнинг имловий тўғри ва имловий нотўғри шакли оппозицияси;
3. Номнинг тўлиқ талаффуз шакли ва қисқарган талаффуз шакли оппозицияси;
4. Номнинг тарихий-анъанавий ҳамда синхрон шакли оппозицияси;

5. Номнинг ўзбекча тўғри имловий шакли ҳамда русча нотўғри имловий (транскрипция ва транслитерация) шакли оппозицияси;

Юқорида келтирилган омиллар ўзбек тилида битта исмнинг турли шаклий ва имловий вариантларини юзага келтирувчи сабаблардир.

Қуйида унли товушларнинг ёзиш шакли билан боғлиқ ҳолда юзага келувчи имловий вариантларга тўхталишни лозим топдик.

Маълумки, ўзбек адбий тили учун олтита унли товуш адабий меъёрдир. Аммо ўзбек шева ва лаҳжаларида унлилар сони 9 тадан 11 тагача мавжудлиги адабиётларда қайд этилган. Исмлар табиатан, коммуникатив талабга кўра оила даврасида пайдо бўлади. Оила эса хилма-хил шева ҳамда лаҳжаларда сўзловчи кишиларнинг масканидир. Бу исмлар таркибидаги унли товушларнинг адабий типдаги меъёрлардан фарқланишига сабабчи бўлади. Мана шу ҳолат исмларнинг адабий тил имловий меъёрлари талабига мос тушмайдиган имловий вариант шакллари тўғдиради ва улар ёзма матнларда ҳам ўз ифодасини топади.

Бизнинг вазифамиз бундай имловий вариантларни лисоний нуқтаи назардан таҳлил қилиш бўлгани учун уларнинг имловий муаммоларига кенг тўхталмаймиз, балки бу вариантларни таснифлаш ва таҳлил қилиш билан кифояланамиз.

Ҳозирги ўзбек антропонимияси тизимида унли товушларнинг бирига ўтиши, ўрин алмашиши, товуш тушиб қолиши, аксинча, товуш орттирилиши билан боғлиқ қуйидаги антропонимик вариантлар учрайди:

А>О ҳодисаси вариантлари: *Дўлон (Дўлан), Ишман (Ишмон), Ёўлдаш (Ёўлдош), Кўзан (Кўзон), Мозид (Мазид), Ромон (Раҳмон), Солай (Салоҳиддин), Хоҳберди (Ҳақберди), Жовҳар (Жавҳар//Гавҳар), Жовли (Жавли), Жовдат (Жавдат)* ва бошқалар.

А>Е ҳодисаси вариантлари: *Жейронбой (Жайронбой), Мелик (Малик), Меликмурот (Маликмурод), Рейимбой (Раҳимбой), Керимбой (Каримбой), Зейнаб (Зайнаб), Вейс (Вайс), Зерипбой (Зарипбой), Геваржон (Гавҳаржон), Муҳаммед (Муҳаммад), Рейҳон (Райҳон), Шерифа (Шарифа)* ва бошқалар.

А>И ҳодисаси вариантлари: *Болтихўжа (Болтахўжа), Болтибой (Болтабой), Исфандиёр (Асфандиёр)* ва бошқалар.

А>У ҳодисаси вариантлари: *Қавулнийёз (Қобулнийёз), Абайдулла (Убайдулла), Дулат (Давлат), Рушон (Равшан), Дурон (Даврон), Зуфар (Зафар), Садр (Судур)* ва бошқалар.

А>Ў ҳодисаси вариантлари: *Жўлон (Жавлон), Дўлат (Давлат), Рўшон (Равшан), Дўрон (Даврон), Гўваржон (Гавҳаржон), Рўшоной (Равшаной)* ва бошқалар.

Е>И ҳодисаси вариантлари: *Сивара (Севара), Диван(ова), Девон(ова), Тимур (Темур), Алишир (Алишер), Ширали (Шерали), Бикмат (Бекмуҳаммад), Фируз (Феруз), Нигмат (Неъмат), Гулчира (Гулчеҳра), Мингзиё (Менгзиё), Мингсулув (Менгсулув)* ва бошқалар.

Е>А ҳодисаси вариантлари: *Галдибой (Келдибой), Барганбой (Берганбой), Ганжабой (Кенжабой), Манглибой (Менглибой), Бакчон (Бекчон), Қодирварди (Қодирберди), Рейим, Рейимбой (Раҳим, Раҳимбой),*

Керимбой (Каримбой), Жумагалди (Жумакелди), Бактурди (Бектурди), Бакбарган (Бекберган), Бакпўлат (Бекпўлат), Бакниёз (Бекниёз), Ганжа (Кенжа) ва бошқалар.

Ё>Я ҳодисаси вариантлари: *Ядгар (Ёдгор), Яқуббой (Ёқуббой), Яқутжон (Ёқутжон), Ярмат(ов) (Ёрмат(ов), Мадияр (Муҳаммадиёр), Бахтияр (Бахтиёр), Қуряз (Қурёз), Геданияз (Геданиёз), Ниязжон (Ниёзжон) ва бошқалар.*

И>У ҳодисаси вариантлари: *Маърип (Маъруф), Мақсим (Махсум), Қўнғур (Қўнғир), Тўлқун (Тўлқин), Эшқовул (Эшқобул), Тансуқ (Тансиқ), Қўшқунбой (Қўшқинбой), Қўпайсун (Қўпайсин) ва бошқалар.*

И>Е ҳодисаси вариантлари: *Негора (Нигора), Неязжон (Ниязжон), Сарвеноз (Сарвиноз) ва бошқалар.*

И>А ҳодисаси вариантлари: *Зиёваддин (Зиёвиддин), Зилоладдин (Зилолиддин), Асомаддин (Асомиддин), Асматулла (Исматулла), Нажмаддин (Нажмиддин), Арзақул (Орзиқул), Имомаддин (Имомиддин), Саҳат (Сиҳат), Наҳолжон (Ниҳолжон), Наҳоят (Ниҳоят) ва бошқалар.*

О>А ҳодисаси вариантлари: *Изам (Изом), Зармас (Зормас), Исахон (Исохон), Мардан (Мардон), Масали (Масоли), Матиса (Матисо), Агавой (Огабой). Атабой (Отабой), Атагелди (Отакелди), Алланазар (Олланазар), Айсанам (Ойсанам), Нарвой (Норвой//Норбой), Халбой (Холбой), Айсаат (Ойсоат), Азат (Озод), Бабаяз (Бобониёз), Бағбек (Боғибек), Агабой (Огабой), Атақ (Отақурбон), Атан (Отаназар), Бекчан (Бекжон), Жайнақ (Жайноқ), Ёндаш (Ёндош) ва бошқалар.*

О>Э ҳодисаси вариантлари: *Энажон, Энагул (Онажон, Онагул), Эномой (Онамой), Энабиби (Онабиби), Энақиз (Онақиз), Бейжон (Бойжон), Бейжигит (Бойжигит) ва бошқалар.*

О>Ў ҳодисаси вариантлари: *Бўбош (Бобош), Бўбон (Бобон), Хўважон (Хавожон), Нўрмат (Нормуҳаммад), Бўважон (Бобожон), Бўйназар (Бойназар), Бўйигит (Бўйигит) ва бошқалар.*

У>И ҳодисаси вариантлари: *Маҳсим (Маҳсум), Раҳматилла (Раҳматулла), Имида (Умида), Дилпиз (Дилфуза), Амрилла (Амрулла), Абдилла (Абдулла), Абдилхай (Абдулхай), Ашир (Ашур), Бойсин (Бойсун), Жамбил (Жамбул), Ёқип (Ёқуб), Ибайдилла (Ибайдулла), Зайнил (Зайнулла), Исмонжон (Усмонжон), Исманали (Усмонали), Имарқул (Умарқул), Мавлида (Мавлуда), Мадисмон (Мадусмон) ва бошқалар.*

У>А ҳодисаси вариантлари: *Маҳаммад (Муҳаммад), Абайдулла (Удайдулла), Залқир (Зулқарнай), Маҳаммаддўст (Муҳаммаддўст), Манаввар (Мунаввар), Абайдхон (Убайдхон) ва бошқалар.*

У>Ў ҳодисаси вариантлари: *Зўхир (Зухур), Зўриддин (Зухриддин), Лўкча (Лукча), Ўсмон (Усмон), Ўсан//Усан (Хусан), Нўриддин (Нуриддин), Жўма (Жума), Жўмагул (Жумагул), Жўмат (Жумат), Жўнай (Жунайдулла), Жўлли (Жулли), Жўлон (Жулон), Дўмон (Думон) ва бошқалар.*

Э>И ҳодисаси вариантлари: *Исонқул (Эсонқул), Исонали (Эсонали), Ишчан (Эшчан), Ишқул (Эшқул), Ишбўри (Эшбўри), Ишим (Эшим), Ихсонбек (Эҳсонбек), Иргаш (Эргаш) ва бошқалар.*

Э>А ҳодисаси вариантлари: *Аркавой (Эркабой), Аркинбой (Эркинбой), Алёрбек (Элёрбек)* ва бошқалар.

Я>А ҳодисаси вариантлари: *Ғозиа (Ғозия), Олиа (Олия), Шодиа (Шодия), Розиа (Розия), Шамсиа (Шамсия), Шарқиа (Шарқия), Валиа (Валия)* ва бошқалар.

Ў>И ҳодисаси вариантлари: *Ниянбек (Нўёнбек), Изанбой (Ўзанбой), Чиёнбек (Чўёнбек), Миттихон (Мўттихон)* ва бошқалар.

Ў>У ҳодисаси вариантлари: *Кубай (Кўпай), Дурмон (Дўрмон), Луққи (Лўққи), Дусмон (Дўсмон), Дусмат (Дўстмат), Дунон (Дўнон), Дусат (Дўсат), Кулдош (Кўлдош), Қушоқ (Қўшоқ), Уралбой (Ўралбой), Тўйчи (Тўйчи)* ва бошқалар.

Ў>О ҳодисаси вариантлари: *Тохтабиби (Тўхтабиби), Жовмард (Жўмард), Тохтаходжа (Тўхтаҳўжа), Досим(ов) (Дўсимов), Ходжанияз (Хўжаниёз), Достмат (Дўстмат), Розмат (Рўзмат) Розика (Рўзика), Розимбой (Рўзимбой)* ва бошқалар.

Юқорида келтирилган ва таҳлилга тортилган фактик материаллар, яъни антропонимларнинг барчаси шу кунгача мавжуд расмий ҳужжатлардан олинган. Кўриниб турибдики, булар бугунги куннинг долзарб муаммоларидан эканлиги ва уларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўриш муҳим масалалардан ҳисобланади.

УНДОШЛАР ИМЛОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИМЛОВИЙ ВАРИАНТЛАР

Маълумки, ўзбек адабий тили учун (кирилл алифбоси назарда тутилмоқда) 25 та ундош товуш адабий меъёрдир. Мазкур товушлар нутқий амалиётда, талаффузнинг талабига кўра, сўз талаффузини осонлаштириш мақсадида, қолаверса, оғзаки ҳамда лаҳжавий нутқнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли, кўп ҳолларда сўзловчи ёки ёзувчининг саводхонлик даражаси таъсирида айрим фонетик товланишлар ёки ноадабий (номеъерий) ўзгаришларга учрайди. Бундай вазиятларда исм таркибидаги бирор товушнинг бошқа товуш шаклига ўтиши, товушнинг қисқариб тушиб қолиши, аксинча, товуш ортиши ёки умуман товушнинг нотўғри талаффуз қилиниши ҳоллари кўзга ташланади. Мана шундай омиллар исм, яъни антропонимнинг тўлиқ (меъерий) шаклининг бузилишига, номнинг иккинчи бир шаклий варианты юзага келишига сабабчи бўлади. Бу ҳодиса икки ҳолатда ёрқин намоён бўлади: биринчиси, товушнинг тўлиқ (тўғри) шакли унинг оғзаки талаффуз шаклидан вариант ҳосил қилади: масалан, **Воҳид** (тўлиқ шакли) – *Вайид* (оғзаки талаффуз шакли), **Равшан** (тўлиқ шакли) – *Рўшан* (оғзаки талаффуз шакли) каби; иккинчиси, товушнинг тўлиқ тўғри шакли унинг лаҳжавий шакли билан вариант ҳосил қилади: масалан, **Келдибой** (тўлиқ шакли) – *Галдибой* (лаҳжавий шакли), **Кенжабой** (тўлиқ шакли) – *Ганжабой* (лаҳжавий шакли), **Назокат** (тўлиқ шакли) – *Лазокат* (лаҳжавий шакли) ва бошқалар. Бундай ҳолларда исм таркибидаги товуш ўзгариши умуман оғзаки нутқ таъсирида юз бермоқдами ёки лаҳжавий

талаффуз туфайли юзага келмоқдами, буни ажратиш қийин бўлади. Бунинг устига адабий тил (нутқ) доирасида ҳам товушларнинг матнда рақам қилинувчи шакли билан унинг оғзаки талаффузи ўртасида тафовутлар учраб туради ҳамда бундан сўз вариантлари юзага келади. Бу каби ҳолатларда товушнинг тўлиқ ҳолати ёзма нутқ (адабий имло) учун, иккинчи варианты эса, адабий талаффуз учун меъёр деб ҳисобланади.

Қандай бўлган тақдирда ҳам ўзбек исмлари таркибида келувчи ундош товушларнинг ўзгариши туфайли антропонимик вариантларнинг юзага келишида турли омиллар роль ўйнаши кузатилади.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда қуйида биз ўзбек исмлари таркибидаги ундош товушларнинг ўзгариши туфайли юзага келадиган вариантларга тўхталамиз. Булар қуйидагилар:

Б>В ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Бовожон (Бобожон), Ёвон (Ёбон), Ихволиддин (Иқболиддин), Ивадулла (Убайдулла), Зувай (Зубай), Зувайд (Зубайдулла), Йўлварс (Йўлбарс), Мамасовур (Мамасобур), Оғавой (Оғабой), Отавой (Отабой), Қодирварган (Қодирберган), Қурвондурди (Қурбондурди), Эшварди (Эшберди), Каримварди (Каримберди), Қовулнийёз (Қобулнийёз), Гулзева (Гулзебо)* ва бошқалар.

Б>П ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Вақон (Ваҳҳоб), Зайнап (Зайнаб), Ёқип (Ёқуб), Маннон (Манноб), Ражап (Ражаб), Зухрон (Зухроб), Турон (Туроб), Аюн (Аюб), Сойип (Сойиб), Потима (Фотима)* ва бошқалар.

Б>М ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Майрам (Байрам), Қурмон (Қурбон)* ва бошқалар. Кам учрайди.

Б>Ф ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Соиф // Сойиб (Соҳиб), Муталлиф (Муталлиб)* ва бошқалар. Кам учрайди.

Б>Й ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Тўхтабийи (Тўхтабиби), Ҳожарбийи (Ҳожарбиби), Анабийи // Онабийи (Онабиби), Уллубийи (Уллубиби), Бийижон (Бибижон), Санамбийи (Санамбиби), Режапбийи (Ражаббиби), Ойбийи (Ойбиби)* ва бошқалар.

В>Б ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Зиёбиддин (Зиёвуддин), Балиқул (Валиқул), Балижон (Валижон), Босит (Восит), Бафо(ев) (Вафоев), Воёндик (Боёндик)* ва бошқалар.

Д>Т ҳодисаси билан боғлиқ вариантлар: *Мадат (Мадад), Матвали (Мадвали), Жунат (Жунай), Жўмарт (Жўмард), Жавот (Жавод), Жамишит (Жамишид), Жовдат (Жовдад), Ибат (Ивод), Зойит (Зойид), Зиёт (Зиёд), Матризо (Мадризо), Матали (Мадали), Озот (Озод), Аҳатбек (Аҳадбек), Асқат (Асқад), Асат (Асад), Беҳбут (Беҳбуд), Воҳит // Войит (Воҳид), Мурот (Мурод), Зумрат (Зумрад)* ва бошқалар.